



ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ

Ў.Б. Баҳодиров

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Криминалистика ва суд экспертизалари кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *мазкур мақолада ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини тергов қилиш соҳасидаги қонунчилик асослари, амалий муаммолар ва институционал ислоҳотлар таҳлил қилинади. Жиноятларни тергов қилишда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ролини кучайтириш, ихтисослашган тергов органи сифатида ваколат бериш борасидаги фикрларга эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *тергов, ўзлаштириш, растрата, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, суд-бухгалтерия экспертизаси, тергов методикаси, тафтиш.*

Аннотация: *В данной статье анализируются законодательные основы, практические проблемы и институциональные реформы в сфере расследования преступлений, связанных с хищением путём присвоения или растраты. Особое внимание уделено вопросам усиления роли Департамента по борьбе с экономическими преступлениями при расследовании преступлений и наделяния его полномочиями специализированного следственного органа.*

Ключевые слова: *расследование, присвоение, растрата, Департамент по борьбе с экономическими преступлениями, судебно-бухгалтерская экспертиза, методика расследования, ревизия.*

Abstract: *This article analyzes the legislative framework, practical challenges, and institutional reforms in the investigation of crimes involving embezzlement or misappropriation. Particular attention is given to strengthening the role of the Department for Combating Economic Crimes and the proposals to empower it as a specialized investigative authority.*

Keywords: *investigation, embezzlement, misappropriation, Department for Combating Economic Crimes, forensic accounting examination, investigative methodology, audit.*

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти мулкка қарши жиноятлар тоифасига киради, бироқ кўп ҳолларда хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилиши сабабли коррупцион тусга эга бўлиши ҳам мумкин¹.

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган



Қонунчиликда мазкур жиноят учун жазо содир этиш ҳолатларига қараб дифференциацияланган: оддий ҳолатда енгил жазо (жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари) назарда тутилган бўлса, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан келишиб ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш орқали содир этилса беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Шунингдек, етказилган зарарни қоплаш жазони енгилроқ турга ўзгартиришга асос бўлиши белгиланган. Ушбу нормаларнинг либераллаштирилиши натижасида мулкӣ зарарни қоплаш орқали жиноий жавобгарлик оқибатларини енгиллаштириш механизми яратилган.

Мазкур мавзудаги тадқиқотнинг долзарблиги бир нечта омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида давлат ва хусусий секторда молиявий ресурсларни талон-торож қилишга қарши курашиш устувор аҳамият касб этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида яширин иқтисодиёт ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш билан 14 та турли орган тарқоқ ҳолда шуғулланмоқдалиги ва яхлит мувофиқлаштирувчи тизим етарли эмаслиги таъкидланганлиги бежиз эмас². 2024–2025 йилларда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ваколатлари кенгайтирилиб, уни терговга доир ваколатларга эга махсус органга айлантириш чоралари кўрилди. Бу ўзгартишлар натижасида Департамент зиммасига бюджет қонунчилиги бузилишларини барвақт аниқлаш, иқтисодий жиноятларни ҳар томонлама ва ҳолисона тергов қилиш бўйича қўшимча вазифалар юклатилди³.

Шу нуқтаи назардан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини тергов қилиш масалаларини миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида таҳлил этиш, ушбу соҳадаги муаммоли жиҳатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш долзарбдир. Бу борада жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика фанининг ютуқларини қўллаган ҳолда, тергов методикасини такомиллаштириш, терговчи кадрларнинг малакасини ошириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш масалаларида муҳокамага эҳтиёж сезилмоқда.

Статистик маълумотларга назар солсак, кейинги йилларда суд-тергов амалиётида оқлов ҳукмлари сонининг ортгани кузатилмоқда. Хусусан, 2024 йил давомида республика бўйича жами 9 887 та жиноят иши тергов қилиниб, шуларнинг 91 фоизи (9 041 та иш) айблов ҳулосаси билан судга юборилган.

шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-банди олтинчи хатбошиси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.06.2025 й., 09/25/362/0507-сон

² <https://president.uz/uz/lists/view/6971>

³ Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2025 йилдаги ЎРҚ-1038-сонли “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.02.2025 й., 03/25/1038/0188-сон





Судлар томонидан эса 245 та жиноят иши бўйича 376 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми эълон қилинган. Оқлов ҳукмларининг муайян қисми айтилган мулкӣ жиноятлар, жумладан, ЖК 167-моддаси билан айбланган ишларга тўғри келмоқда. Шу сабабли бу борадаги ишларни чуқур таҳлил қилиб, таҳлил асосида ҳулосалар чиқариш ва тизимли таклифлар бериш тақозо этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш ваколати умумий тартибда прокуратура ва ички ишлар органлари терговчиларига тегишли эди. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти 2019 йилга қадар асосан тезкор-қидирув ва назорат-тафтиш фаолиятини амалга ошириб келган, унга мустақил тарзда жиноят иши юритиш (тергов қилиш) ҳуқуқи берилмаган эди.

Шунингдек, 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ–257-сон Фармон билан жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг янги тизими белгиланди⁴.

Энг муҳим ўзгаришлардан бири Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг тергов ваколатига эга қилинаётганидир. 2024 йил январь ойидаги Президент йиғилишида Департаментни “ўзи тергов қиладиган идора”га айлантириш, унинг раҳбарини Бош прокурор ўринбосари этиб белгиллаш вазифалари берилди. Мазкур ташаббус ҳуқуқий жиҳатдан 2025 йил 25 февралда қабул қилинган “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–1038-сон Қонун билан мустаҳкамланди.

Илмий ва амалий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари кўпинча мураккаб бухгалтерия ҳисоби, молиявий муносабатлар билан боғлиқ бўлиб, уларни пухта тергов қилиш учун иқтисодий соҳада махсус билимлар зарур. Ваҳоланки, умумий идоравий терговчиларда бу борада етарли тажриба ва билим доимо мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, ушбу турдаги ишлар бўйича дастлабки терговни ихтисослашган орган – Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти терговчилари томонидан амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу таклифнинг асоси шундан иборатки, ихтисослашган тергов органи молиявий таҳлил, суд-бухгалтерия экспертизаси ва тафтиш ишларини самарали мувофиқлаштиришга қодир. 1038-сонли Қонун билан бошқа бир қатор иқтисодий жиноятлар бўйича ваколат Департаментга берилгани ҳам ушбу ёндашувнинг тўғрилигини кўрсатади. Демак,

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.11.2022 йилдаги ПФ-257-сон “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” ги Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.06.2024 й., 06/24/91/0429-сон.





талон-торож қилиш каби жиноятларни ҳам мазкур тоифага киритиш орқали ҳар бир ишни ҳар томонлама ва малака билан тергов қилиш имкони ортади. Бу эса, ўз навбатида, хатоликлар сабаб вужудга келаётган оқлов ҳукмлари сонини қисқартиришга, жиноятни фош этиш ва айбдорларга жазо муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2025 й., 03/25/1050/0276-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2025 йилдаги ЎРҚ-1038-сонли “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.02.2025 й., 03/25/1038/0188-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.11.2022 йилдаги ПФ-257-сон “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.06.2024 й., 06/24/91/0429-сон.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-банди олтинчи хатбошиси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.06.2025 й., 09/25/362/0507-сон
5. <https://president.uz/uz/lists/view/6971>

